

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/30.12.2019.РЕД.78/03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОМИРЗАЕВ МАХМАТМУРОД ХУРАМОВИЧ**

**МАКТАБ ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИДА  
МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ СПЕКТРАЛ-ВАРИАТИВ  
КОМПОНЕНТЛАРИНИ ФАНЛАРАРО ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

<b>Шомирзаев Махматмурод Хурамович</b> Мактаб технология таълимида миллий хунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш.....	<b>5</b>
<b>Шомирзаев Махматмурод Хурамович</b> Междисциплинарное совершенствование спектрально- вариативных компонентов национального ремесленничества в школьной технологии обучения.....	<b>31</b>
<b>Shomirzayev Maxmatmurod Xuramovich</b> Interdisciplinary improvement of spectral-variative components of national handcrafting in teaching the discipline of technology in secondary schools.....	<b>59</b>
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	<b>65</b>

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/30.12.2019.РЕД.78/03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОМИРЗАЕВ МАХМАТМУРОД ХУРАМОВИЧ**

**МАКТАБ ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИДА  
МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ СПЕКТРАЛ-ВАРИАТИВ  
КОМПОНЕНТЛАРИНИ ФАНЛАРАРО ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Ped111 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ҳамда “Ziyonet” Ахборот таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Маҳмудов Юсуп Ғаниевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алеулов Усербай**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Шадиев Нарзикул**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Қўйсинов Одил Алмуротович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**


**Бухоро давлат университети**


Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78/03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «17» 03 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).


Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «09» 03 куни тарқатилди.  
(2021 йил «11» 03 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



  
**Чориев Иргаш Тўраевич**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

  
**Бозорова Муслима Қодировна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

  
**Худойкулов Хол Жумаевич**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида миллий хунармандчиликнинг спектриал-вариатив компонентларининг фанлараро такомиллашувида креатив-модулли технологияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро ташкилотлар томонидан “Таълим-тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” деб эътироф этилиши муносабати билан катта ёшдаги аҳоли компетенциясини баҳолаш халқаро дастури (PIAAC), ўқувчилар билимини баҳолаш (PISA), технология таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этишни баҳолашда (STEM)дан фойдаланилмоқда ҳамда касбий маҳоратни шахс сифатлари билан уйғунлаштириш, турли ўзгаришларга тез мослашиш, инновацион ёндашувни таълим жараёнларига изчил жорий этиш, таълим жараёнларини моделлаштиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунёда миллий хунармандчиликни таълим жараёнига киритиш самарадорлигини ошириш, бўлажак технология ўқитувчилари касбий сифатларини ривожлантириш компонентларини аниқлаш, технология фанининг методик таъминотини такомиллаштириш, бўлажак технология фани ўқитувчиларининг сифати буюртмачилар талабларига мослигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Илмий изланишларда технология фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, амалий машғулотларнинг виртуал шакллари жорий этиш, технология фанининг фанлараро боғлиқлигини акс эттирувчи машғулотлар мажмуи асосида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида таълим соҳаларини сифат жиҳатдан жадал ривожлантириш, бу борада бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, профессионал таълимни жорий этиш ҳамда мактаб технология таълимида миллий хунармандчиликни ривожлантириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, технология фанини чуқур ва пухта ўрганишга эътиборни қаратиш, Давлат таълим стандартлари (ДТС)да кўзда тутилган баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда технология фани мисолида ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича, жумладан, миллий хунармандчилик йўналишида хунармандчилик намуналари турларининг интегратив хоссаларини аниқлаштириш, ўқувчиларни маънавий-касбий тарбиялаш тизими компонентлари ва таянч компетенциялари мазмунини такомиллаштириш,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712 /3034-сон, 29.04.2019.

Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда маънавий-касбий тарбиялаш мазмуни, шакли, методлари ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда миллий хунармандчилик намуналари асосида ўқувчиларда маънавий-касбий сифатларни ривожлантириш кабилар юзасидан тадқиқотларни амалга оширишни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлани-шининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>1</sup>. Жаҳонда миллий хунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини такомиллаштириш масалалари бўйича, жумладан, дунёнинг қуйидаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: University of Nevada (АҚШ), University of Bayreuth (Германия), University of Kent (Англия), Nord University, Буде, (Норвегия), National University of India (Ҳиндистон), Уфа давлат университети (Россия), Хоккайдо университети (Япония), Тошкент давлат педагогика университети, Термиз давлат университети (Ўзбекистон).

Жаҳон миқёсида технология фанини ўқитишда миллий хунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини такомиллаш-тириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ўқитишнинг интерфаол таълим технологиялари миллий хунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини услубий таъминотга фаол сингдирилиши асосида такомиллаштирилган (Leiden University); миллий хунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентлари мазкур йўналишдаги ўқув-методик таъминотнинг сифати ва самарадорлигига асос бўлиши исботланган (Center for Cellular and Molecular Technology); технологик

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.hhs.se/contentassets/f51b706e1d644e9fa6c4d232abd09e63/greenbooksep03.pdf>; <https://bibliocub.ru/index.php?page=book&id=26824>; Porter M. Competitive Strategy: “Techniques for Analyzing Industries and Competitors”<sup>2</sup>, Cambridge, 1980, 454 pages; Innovation clusters in France: Innovation Comes First. URL: <http://www.invest-infrance.org/us/why-choose-france/research-and-partnerships-innovation-clusters.htm>; Shih, J., Huffman, L.C. Emphasizing Cultural competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. 176-188.

саводхонликни ривожлантиришда халқаро баҳолаш дастурлари PISA (Programme for International Student Assessment)дан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган (Россия таълимни ривожлантириш стратегиялари институти).

Дунёда бўлажак ҳунармандчилик технология таълими кадрларини тайёрлаш бўйича, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда: ўқувчилар дунёқарашини ривожлантиришнинг методик-дидактик тафсилотини миллий ҳунармандчилик асосига қурилган электрон дастурий воситалар асосида такомиллаштириш; миллий ҳунармандчилик спектрал-вариатив компонентлари асосида ўқувчиларнинг мантиқий-илмий тафаккурини ривожлантириш; технология таълимида кластер методини миллий ҳунармандчилик асосида такомиллаштириш; мақсадли таълим сифатини миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини қўллаш асосида такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда А.Хўжаев, Р.Ҳ.Джураев, Ў.Ҳ. Толипов, Ш.С., Шарипов, У. Нишоналиев, Н.Шодиев, И.Т. Чориев, Н.С. Сайидахмедов, Ю.Ф. Махмудов, Н. Муслимов, А.Хўжабоев, О.А. Қўйсинов каби олимлар технология фанида миллий ҳунармандчиликни фанлараро такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот ишларини олиб боришган. Шунингдек, миллий ҳунармандчилик соҳаларини ўрганишнинг таълим-тарбиявий асослари С.Булатов, С.Ҳасанов, И.Каримов, Қ. Қосимов, О. Худоёрова, А.Турдиалиев, Р.Сарсенбаева, Д.Зоҳидова, О.Жамолиддиновалар илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Шунингдек, россиялик олимлардан В.Д. Жуков, С.Т. Толстов, В.М. Массон, А.Т.Треножкин, С.Р. Русакина, Н.Н. Баранский, Н.С. Мироненко, Н.С. Фалькова, Ю.Г. Липец, А.Г. Низалиевнинг миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштиришнинг баъзи жиҳатлари бўйича олиб борган тадқиқот ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик тарихини бир қатор хорижлик тадқиқотчилар ҳам ўрганишга ҳаракат қилишган. Жумладан, немис олимлари Ж. Пелтз, К. Пандерлар томонидан яратилган монографик асарларда ўзбек халқининг миллий ҳунармандчилик тарихи, унинг соҳалари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган<sup>1</sup>.

Немис тадқиқотчиси Г. Келлер томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот иши кенг қамровли ва ўзбек миллий анъаналари фотосуратларда акс эттирилиб, “Тикиш ва тўқиш Ўзбекистонда юксак даражали ҳунармандчилик намуналари ҳисобланиб, ўзбек аёллари томонидан маҳорат билан амалга оширилади, айниқса, зардўзлик либослари тантаналарда кийилади ва катта эътиборга сазовор бўлади”<sup>2</sup>. Немис тадқиқотчилари Б.Воллонвебер, П. Франкелларнинг тадқиқот ишларида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, қадимий гиламдўзлик

---

<sup>1</sup> Pander K. Zentralasfen. Ossificdtm: Dumont Reisevertag, 2005. – P. 384. Judth Pelts. Uzbekistan entdeckan. – Berlin. 2007. – 290 p.

<sup>2</sup> Keller G. Frauen culture in Uzbekistan Denzhngen /2002. – P.288.

марказлари Фарғона, Нурота, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистонда кенг ривожланганлиги эътироф этилган<sup>3</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети ва Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ОТ-Ф7-34 “Миллий ҳунармандчиликда инновацион жараёнларни технология фанида ўрганишнинг илмий-педагогик асослари” ва №А–3–238 “Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини амалга оширишда таълим сифатини белгилашнинг мезонли кўрсаткичларини асослаш” мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2014-2018 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш бўйича назарий-амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фалсафа, психология, педагогика, дидактика, илмий-методик адабиётлар таҳлили асосида мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро (физика, кимё, геометрия, чизмачилик) аниқлаштириш;

мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини такомиллаштириш;

миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро технология таълими мазмунига сингдириш ва бунга имкон берадиган психологик-педагогик шароитларни аниқлаш;

мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш моделини яратиш;

мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштиришга қаратилган дарсларни ташкил этиш ва ўқув жараёнига татбиқ қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш жараёнини белгилашнинг тажриба-синов ишларида Сурхондарё, Бухоро, Жиззах, Хоразм, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 23 та умумтаълим мактабининг V-IX синфларидан 1176 нафар ўқувчи иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод, восита ва йўллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш), диагностик (суҳбат, сўровнома, кузатиш, таснифлаш), тест топшириқлари, ўқитувчилар ва мактаб раҳбарияти ҳамда ота-оналар билан

---

<sup>3</sup> Wollenweber B., Franke P. Uzbekistan. Land zwischen Orient und Okzident. – Berlin, 2007. – P. 91.



сухбатлар ўтказиш, педагогик тажриба-синов (маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни диаграмма ва график тасвирлаш ва бошқалар) каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий ҳунармандчилик намуналари (каштачилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, зардўзлик, заргарлик, кандакорлик ва ҳ.к.)нинг тадрижий-тарбиявий шаклланиши мазмуни юксак маънавиятли ўқувчи шахсини тарбиялашда, тарихийлик, қомусий-психологик ҳамда миллий ҳунармандчиликка оид мактаб ўқувчиларини ижтимоий ҳаётга касбий тайёрлашда қўлланилган медитация методларига устуворлик бериш асосида ривожлантирилган;

ўқувчиларни миллий ҳунармандчилик намуналари воситасида психологик-маънавий тарбиялаш хусусиятлари миллий ҳунармандчилик намуналари турларининг интегратив хоссалари (ижодий, ҳиссий-рағбатловчи, вариатив ўқув топшириқлари)га кўра такомиллаштирилган;

миллий ҳунармандчилик намуналари воситасида ўқувчиларни маънавий-касбий тарбиялаш тизими компонентлари (аксиологик, қадриятли, тизимли-фаолиятли, ривожлантирувчи) ва таянч компетенциялари (билиш, ўрганиш, ахборот, коммуникатив) мазмуни “Синквейн”, “Арт-технология”, “Event” технологиялари воситасида импровизация ва рефлексивлик тамойилларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

ўқувчиларни маънавий-касбий тарбиялаш мазмуни ва шакли (ёши, индивидуал психологик, физиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда), усуллари ва воситалари миллий ҳунармандчилик намуналарини тарбия жараёнига фаол киритиш негизида мувофиқлаштирилган ҳолда методик жиҳатдан яхлит тизими ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг маънавий-касбий сифатларини такомиллаштиришга миллий ҳунармандчилик намуналари, жумладан каштачилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, зардўзлик, заргарлик ва кандакорлик ҳунармандчилиги асос омиллардан бири эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентлари фанлараро таснифлаштирилган, ДТС, ўқув режаси ва дастури такомиллаштирилган;

мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини такомиллаштиришга доир ўқув-методик қўлланмалар мажмуаси ишлаб чиқилган;

мактаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштиришга йўналтирилган инновацион таълим технологиялари (таълим жараёнида қўлланиладиган интерфаол методлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ошириш, фаолиятли-шахсга йўналтирилган таълим мазмунини жорий этиш) такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** асосий методологик ва умумдидактик принципларга асосланганлиги, унда қўлланилган ёндашув, усул ва методлар ҳамда назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларининг мослиги (адекватлиги), хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф ва тавсия этилган миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш модели, методикаси, баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларда миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш жараёнида фан ва амалиётнинг ўзаро интеграциясини асослаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан мактабда технология таълими сифати ва самарадорлигини оширишда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида мутахассислик бўйича ўқув-методик мажмуаларни яратишда, халқаро баҳолаш тизимлари топшириқларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги ҳамда миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентлари фанлараро ДТСга қаратилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мактабда технология фанини ўқитиш жараёнида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

миллий ҳунармандчилик намуналари (каштачилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, зардўзлик, заргарлик, кандакорлик ва ҳ.к.)нинг тадрижий-тарбиявий шаклланиши мазмуни юксак маънавиятли ўқувчи шахсини тарбиялашда, тарихийлик, комусий-психологик ҳамда миллий ҳунармандчиликка оид мактаб ўқувчиларини ижтимоий ҳаётга касбий тайёрлашда қўлланилган медитация методларига устуворлик бериш асосида ривожлантирилганлиги ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 26 июндаги 01/11-03/9-620-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ДТС 2017-2018 ўқув йилида амалиётга жорий этилган “Технология фанини ўқитишда инновацион педагогик технологиялар” ҳамда “Ўзбек миллий ҳунармандчилигининг шаклланиш генезиси ва ривожланиш технологияси”, “Ўзбек миллий ҳунармандчилигида инновацион жараёнлар”, “Ўзбек миллий ҳунармандчилигининг спектрал-вариатив компонентлари”, “Технология фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари”, “Мактаб ўқувчиларини технология таълимида миллий ўзбек ҳунармандчилигининг

спектрал-вариатив компонентлари билан таништиришда фанлар интеграцияси”, “Мактаб технология таълимида миллий ўзбек хунармандчилигининг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш”, “Мактаб технология таълимида миллий каштачиликни ўрганиш” номли янги авлод ўқув адабиётларини яратилишига асос бўлган;

ўқувчиларни миллий хунармандчилик намуналари воситасида психологик-маънавий тарбиялаш хусусиятлари миллий хунармандчилик намуналари турларининг интегратив хоссалари (ижодий, ҳиссий-рағбатловчи, вариатив ўқув топшириқлари)га кўра такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар умумтаълим мактаб ўқувчилари учун “Технология” фани V-IX синф дарсликлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 мартдаги 89-03-1128-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ўқувчиларда хунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини такомиллаштириш ҳамда технология фанини ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

миллий хунармандчилик намуналари воситасида ўқувчиларни маънавий-касбий тарбиялаш тизими компонентлари (аксиологик, қадриятли, тизимли-фаолиятли, ривожлантирувчи) ва таянч компетенциялари (билиш, ўрганиш, ахборот, коммуникатив) мазмуни “Синквейн”, “Арт-технология”, “Event” технологиялари воситасида импровизация ва рефлексивлик тамойилларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган ўқув фаолиятини жадаллаштирувчи инновацион таълим технологияларига оид таклиф ва тавсиялардан №PZ-2016-091/2232947 “Умумий ўрта таълим мактабларида тарбиявий соатларни ўтказишни такомиллаштириш технологиялари мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда (2017-2018 йй.) фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 мартдаги 89-03-1128-сон маълумотномаси). Илмий натижалар умумтаълим тизимида тарбиявий соатларни ўтказишни такомиллаштиришнинг амалиётга жорий этилишига методик асос бўлиб хизмат қилган;

ўқувчиларни маънавий-касбий тарбиялаш мазмуни ва шакли (ёши, индивидуал психологик, физиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда), усуллари ва воситалари миллий хунармандчилик намуналарини тарбия жараёнига фаол киритиш негизида мувофиқлаштирилган ҳолда методик жиҳатдан ишлаб чиқилган яхлит тизим таклифларидан “Технология” фанидан V-IX синф дарсликларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 мартдаги 89-03-1128-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактаблари битирувчилари ДТС талаблари даражасидаги дидактик ва тарқатма материаллар билан танишиш ва олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларига тайёрланиш имкониятига эга бўлишган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 55 та, шу жумладан, 12 та халқаро, 43 та республика миқёсидаги анжуманда маъруза шаклида баён қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мазмунига оид жами 198 номдаги илмий иш, жумладан, 1 та дарслик, 4 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик (DSc) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 34 та мақола, шулардан, 24 таси республика, 10 таси хорижий журналларда, 34 та республика ва халқаро тўпламларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши 219 саҳифадан, кириш, бешта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мазусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, Олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Мақтаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида миллий ҳунармандчиликнинг тадрижий шаклланиш генезиси ва ривожланиш технологияси ҳолати тарихий ёзма манбалар, этнографик, археологик ашёвий далилларга кўра илмий асосланган. Миллий ҳунармандчиликнинг юқори намунаси ҳисобланган матога кашта тикиш ҳунари, каштадўзлик Марказий Осиё халқларида милоддан аввалги асрлардаёқ шакллана бошлаган. Айниқса, Фарғона водийси ҳунармандчилиги, жумладан, каштачилиги кўплаб олим ва мутахассислар эътиборини ўзига жалб қилган. Уларнинг илмий изланишлари, асосан, миллий ҳунармандчиликнинг келиб чиқиши, урф-одатлар ва расм-русумлар билан боғлиқлиги, турмуш маданияти жиҳатидан ўрганилган. Уларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижасида анъанавий ҳунармандчилик, айниқса, каштадўзлик санъат даражасига кўтарилганлигини, бадий ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб келганлигини кўриш мумкин. Фарғона водийси халқининг анъанавий ҳунармандчилигини тарихий-этнографик, таълим-тарбиявий жиҳатдан ўрганиш, тадқиқот мавзумизга бевосита алоқадор муаммоли йўналишлар бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинди:

1. Фарғона водийси халқи анъанавий ҳунармандчилигининг тадрижий шаклланиш тарихи ва ҳунармандчилик, айниқса, каштачилик генезисига алоқадор илмий адабиётлар.
2. XIX-XX асрларда Фарғона водийси халқининг мато тайёрлаш усулларига оид водий ҳунармандчилигида этник жамоалар.
3. Моддий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берувчи монографик асарлар.
4. Тоталитар тузум давридаги психологик, педагогик, тарихий-

этнографик тадқиқот ишлари. 5. Мустақиллик давридаги илмий-тадқиқот ишлар. 6. Фарғона водийси ҳунармандчилиги, жумладан, каштачилиги ҳақидаги хорижий олимларнинг монографик асарлари. Шунингдек, бугунги кунда Фарғона водийси аҳолисининг қадимги ва илк ўрта асрлар давридаги каштадўзлик тарихини, унинг таълим-тарбиявий аҳамиятини ўрганишга оид бир қанча ютуқлар қўлга киритилган. Хусусан, А.Н.Бернштам, Ю.А.Заднепровский, Б.А.Литвинский, Г.Майтдинова каби тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот ишларида биз ўрганаётган миллий ҳунармандчиликни фанлараро такомиллаштиришнинг спектрал-вариатив компонентлари(СВК)га доир маълумотлар мавжуд.

Араб кашталаридаги белгилар Фарғона водийси кашталарида ҳам учрайди. Масалан, доира, тўртбурчак, учбурчак, араб ёзувидаги ғазалларни араблардаги “фалак” билан боғлаш демак. “Фалак” кейинчалик халқ тилида “Палак”, деб айтилган. Араблар VIII асрда Ўрта Осиёга, шу жумладан, Фарғона водийсига ҳам бостириб кирдилар. Маълумки, араблар фалакни қадрлаганлар. Шунинг учун кашта орнаментларида фалак билан боғлиқ белгилар ифодаланган. Бу ҳолат Фарғона водийси каштачилигига ўз таъсирини кўрсатган.

Қадимги кашта буюмларини қидириб топиш, уларни музей фондларига топшириш, Фарғона водийсида экспедициялар ўтказиб, кашта буюмларини қидириб топиб, уларнинг фотосуратларини олиш, улар асосида альбомлар тайёрлаш, қадимий кашта тикувчи усталарни топиб, уларга ёш қизларни бириктириш орқали устоз-шогирд аънаналарини давом эттириш, қадимий кашта усулларида фойдаланиб, замонавий кашталарни яратиш, кийимларда миллий аънаналаримизни давом эттиришга ҳаракат қилиш лозим. Каштадўзликнинг қадимий турларидан бири ҳисобланган сўзана бу даврда нафақат Ўрта Осиёда, балки ундан ташқари мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган. Улар кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинган. Агар XIX асрга қадар каштадўзлик маҳсулотлари, асосан, аҳолининг ўз эҳтиёжлари учун уй шароитида ишлаб чиқарилган бўлса, XIX аср охири - XX аср бошларида ўлка халқлари орасидаги пул-товар муносабатларининг ривожланиши натижасида бозорларда сотиладиган маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилган. Хусусан, Қўқон, Наманган, Фарғона, Андижон, Ўш, Жалолобод, Қорасув ҳамда бошқа маҳаллий бозорларда турли хилдаги каштадўзлик маҳсулотлари сотилган. Айниқса, чорси, зардевор (сўзана), жойнамоз, чойшаб (жойпушт), палак, қўшқийик, дўппи, кирпеч каби каштадўзлик маҳсулотлари кўплаб олди-сотди маҳсулотига айланган.

Ўрта асрларга келиб каштачилик юксак даражага кўтарилган. Матога кашта тикиш, айниқса, кийим-бошларни кашта билан безаш аҳолининг юқори табақа қатламида оммалашиб борган. XIX аср охири - XX аср бошларига келиб, каштадўзлик Марказий Осиё, хусусан, биз ўрганаётган Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида кенг тарқалган. Бу даврда кашта тикиш аҳоли орасида оммалашган амалий санъат тури ҳисобланган.

Кирпеч, дорпеч, сўзана, чойшаб, чорси, сандалпеч, дастрўмол, зардевор, сочиқ, эшик парда каби каштадўзлик буюмлари тикилган. Уларни тикишда

лопук, ироқи, илмоқ, чамоқ, баҳя, йўрма, босма деб аталувчи чок усуллари кенг қўлланилган. Кашталарда турли шакллар, ўсимликлар ва гуллар ҳамда ҳайвонлар тасвири акс этирилганини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси ўзининг рамзий маъносига, келиб чиқиш тарихига эга. Бу, энг аввало, у ёки бу халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий олами, ижтимоий, иқтисодий аҳволи ва бадиий-эстетик дидига боғлиқ ҳолда шаклланган. Анъанага кўра, оиладаги қизлар ёшлигидан турли хилдаги кашталарни тикишга ўргатилган.

Диссертациянинг **“Технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини такомиллаштиришда фанлараро интеграция”** деб номланган иккинчи бобида ўтказиладиган барча ўқув-тарбиявий тадбирлар мактаб ўқув-тарбиявий жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланиб, у ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан ташқари, таълим-тарбия йўналишларини ривожлантиришга хизмат қилади. Ўқув-тарбиявий тадбирларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ва самараси дарс жараёнида ўтказиладиган машғулотларникидан кам эмас. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг технология ва касбга тайёрлашга доир билими, кўникма, малака ва компетенциялари турли унумли технологик жараён шаклларида бевосита иштирок этишларида мустаҳкамланиб борилди.

Қадимий ҳунармандчилик соҳаларидан ҳисобланган косибчилик ҳунари ҳақида фикр юритиладиган бўлинса, косибчилик ошланган теридан зарурий пойабзалларни ишлаб чиқарувчи соҳа ҳисобланиб, косиблар, асосан, териларни андозалар бўйича турли хил маҳси, тоштавон этик, кучай этик, мўкки этик, ковсар ва нўғай кавуш, паттойи кавуш, чармдастак кавуш, чорик ва шуларга ўхшаш пойабзалларни тикканлар. Косибчиликда турли-туман меҳнат қуроллари: аррача, теша, омбир, таёқча, қолип, бегиз, буранда, дупоя, газон, белча, кува сингари асбоблар ишлатилади. Миллий ҳунармандчилик соҳаларидан ҳисобланган кўнчилик соҳаси Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги 2-умумтаълим мактабида шу пайтгача тўғарак машғулотлари дарс жадвалига киритилмаган эди. Ўқувчи ва мураббийларнинг ўзлари қизиқишиб, шу соҳаларда тўғарак машғулотларини ташкил этишди. Семинар-суҳбат методида ташкил этилган машғулот шаклан анъанавий кўринишда ўтказилган бўлса-да, мазмунан миллий ҳунармандчиликни ўрганишга асосланган ҳолда ташкил этилди. Халқ миллий ҳунармандчилигининг қадимий соҳаларидан ҳисобланган, баъзи қишлоқ жойлардагина сақланиб қолган кўнчиликни ўргатишга бағишланган ҳолда тўғарак машғулотни ўтказилди.

Миллий қадрият аталмиш халқ ҳунармандчилигини ўрганишда муҳим кўринишларидан ҳисобланган тўғарак машғулотларининг аҳамиятли томонларидан бири – бу моддий-техникавий, хом ашё ва ўқув-методик таъминотини йўлга қўйиш лозим. Демак, таъминот машғулотнинг амалийлиги ва ишлаб чиқаришга асосланганлигини ташкил этишда асосий восита ҳисобланади. Маълумки, қўлда машғулотларни бажариш, энг аввало, хом ашё таъминотига, асбоб-ускуналар, жиҳозлар етказиб берилишига боғлиқ. Таълим-тарбия самарадорлигига эришиш йўлида ўқитувчи ўқувчиларнинг билим олиш

мотивларига бефарқ қараши асло мумкин эмас. Чунки билим эгаллашга бўлган муносабат ўқувчининг танлаган касбига бўлган қизиқиши билан уйғунлашиб кетади. Шунга кўра, ўқувчининг миллий ҳунармандчиликка бўлган қизиқиш мотивларига асосий эътибор қаратилди.


Психологик жиҳатдан ўқувчиларда миллий ҳунармандчиликни ўрганишга бўлган қизиқишни шакллантиришда мустақил билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятга киришиш, нақш композицияларини тузишда мантикий фикрлаш, қўйилган муаммо ечимини топишга ўргатиш кабилар муҳим ҳисобланади. Бунда ўқувчиларда мустақил таълимни эгаллаш йўлида ўз олдига янги талаблар қўя бошлайди. Бу жараён ўз-ўзини тарбиялаш заминида амалга ошади, шунда таълим ижтимоий бурч даражасига кўтарила боради. Чунки технология таълими ўқувчини меҳнатга, касбий фаолиятга тайёрловчи омил вазифасини бажаради. Ўқувчиларни миллий ҳунармандчиликка ўргатишда таълим-тарбиянинг замонавий методларидан фойдаланишга кўпроқ аҳамият берилган. Ўқувчиларда ўтилаётган мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, назарий билим, амалий кўникма, мотивация ва малака-ларни шакллантириш, мавзуга оид дидактик ва тарқатма материалларни яқка ва гуруҳ холида ўзлаштириб олишлари учун суҳбат-мунозара ташкил этиш, тарқатма ва дидактик материаллар тайёрлашнинг бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёнлар ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Технология таълими жараёнида ўқувчида миллий ҳунармандчиликка доир компетентликни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расм). Технология таълими жараёнида ўқувчиларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, ташкилий компоненти (вазифалар, таълим, метод ва шакллар, таълим принципларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш), мазмуний компоненти (“Халқ ҳунармандчилиги” фани бўйича ишлаб чиқилган дастурлар асосида – инновацион, компетенциявий, интегратив, шахсий-фаолиятли ёндашувларни қўллаб, амалий машғулотларни ташкил этиш орқали ўқувчилар фаолиятининг вариативлиги ва субъективлигини, ижодий индивидуаллигини, шахсий имкониятларни ривожлантириш) дан иборат.

Технология фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ахборот технологияларидан турли даражадаги вазифаларни бажаришлари орқали амалга оширилди. Вазифаларни бошқаришда фаолият хусусиятига қараб, ахборот технологиялари асосида касбий, педагогик кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг тўрт (интуитив, репродуктив, продуктив, ижодий) даражаси белгиланди. Технология фанини ўқитиш ўқувчиларнинг ахборот технологияларига қизиқиши тузилмаси илмийлик, узвийлик, кетма-кетлик, кўргазмалилик, онглилик, фаоллик, фанлараро алоқадорлик принципларига асосланган, шунингдек, таълим натижасини аниқлаш учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Эксперт баҳолаш мезонларини белгилаш ва уларнинг объективлик, интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби ташкилий-функционал имкониятларини тизимлаштириш орқали ўқувчиларнинг касбий қизиқиш даражасини ташхис қилиш методлари (дарсни

специфик таҳлил қилиш, ижодий топшириқлар, амалий ишлар) такомиллаштирилди. Ўқувчиларда касбий билим, кўникма, малака ва компетенцияларни АТ асосида шакллантириш жараёни вазиятни яратишда мазкур педагогик жараён иштирокчилари, яъни бўлажак технология фани ўқитувчилари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари мазмуни, компьютерни ўқувчининг фаолияти объекти сифатида жалб этиш ҳолатлари кузатилди.



**1-расм. Ўқувчида миллий хунармандчиликка доир компетентликни такомиллаштириш модели.**

АТ асосида ўқитишда ўрганаётган педагогик ҳодиса ёки жараённинг ахборот модели ўқувчи фаолиятининг объекти ҳисобланади. Умумтаълим мактабларида технология таълими йўналишлари битирувчилари Малака талаблари ва уларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражаларини ташхислашни таҳлилий, лойиҳалаш ва педагогик прогностик функцияларини интегратив мувофиқлаштириш асосида бўлажак технология таълими



ўқитувчиларини АТ асосида тайёрлашнинг концептуал мазмуни такомиллаштирилди.

Фарғона водийси миллий каштачилигида анъанавий кашта гуллари, асосан, мева ва ўсимликлар гуллари ҳисобланади. Кашта нусхаларининг ой, олма, ноғорагул, ширмон, тупгул, тўққиз олма, офарин, дарахт, олти олма, бодомгул, аноргул, ўн икки ойлик палак каби номларига қараганда, чеварлар уларни ҳар хил талқин қиладилар. Тикилган кашталардаги тасвирларга, кашта гулларига қараб буюм номи белгиланади. Кашта буюмлардан бири – бу дўппи ҳисобланиб, дўппига тикиладиган кашталар бир-биридан худудий жиҳатдан фарқ қилади. Масалан, Андижон, Наманган, Чуст, Марғилон дўппилари деб номланади. Бу дўппилар уларга тикилган кашталар тасвирлари билан фарқланади. Фарғона водийси каштадўзлигида инновацион жараёнларни ўрганиш мақсадида 55 та саволдан иборат саволнома тузиб чиқилди. Саволлар 4 та босқичга бўлиниб, Фарғона, Наманган, Андижон шаҳарлари ва туманларидаги аҳоли ўртасида сўров ўтказилди. Сўров орнаментлардаги тасвирларнинг ривожланиши, турли хил белги ва рамзлар ўрнига, нафосат ғояларининг ўсиши туфайли умумий тасаввурлар асосида умумий орнаментлар вужудга келганлигини кўрсатади. Бунда ўсимликлар, ҳайвонлар, геометрик шакллар уйғунлашиб, кесишган чизикли нақшлар пайдо бўлади. Бундай орнаментларнинг намуналарини Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Термиз музейлари коллекцияларида кўриш мумкин. Шу даврга келиб, табиий тасаввурлар янада ривожланди. Бу эса ривожланиш жараёнида қадимги каштадўзликни ўрганиб, замонавий каштадўзлик буюмларини замон талабига мос, аҳоли эҳтиёжига тўғри келадиган буюмлар яратиш, касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорликда ўз ўрнига эга бўлган каштадўзликни асраб қолиш, келгуси авлодга етказиш бугунги куннинг талаби эканлигини кўрсатади. Каштадўзлик анъаналари босиб ўтган йўлни илмий асосда ўрганиш мақсадида каштадўзликда инновацион жараёнларни тадқиқ этдик.

Саволнома 55 та саволдан иборат бўлиб, қуйидаги 4 та босқичга бўлинди:

**I босқич.** Демографик ҳолат бўлиб, бу босқичда Ўрта Осиё худудида, жумладан, Фарғона водийсида яшовчи халқларнинг неча ёшдан ва кўпроқ кимлар каштачилик билан шуғулланиши аниқланди. Сўров натижасида аҳолининг 80 %и XIX-XX асрларда ҳам қизлар 8-10 ёшдан бошлаб кашта тикишни ўрганишганлиги, сўнг анъана тарзда давом эттиришганлигини айтишган. Бу ҳунар билан кўпроқ аёллар шуғулланганлиги аниқланди.

**II босқич.** Каштачилик яқин ўтмишдаги даврга алоқадор бўлиб, бунда XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида каштачиликка бўлган талаб, эҳтиёжни аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар орқали Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг шаҳар ва маҳаллаларида сўровнома ўтказилди:

1. Сиз каштачиликнинг қайси тури билан шуғулланасиз? 2. Кашта тикиш учун қандай иплардан фойдаланасиз? 3. Яқин ўтмишда каштачиликда устоз-шогирд анъаналари қандай амалга оширилган? 4. Устоз-шогирд анъаналари қандай тарбиявий аҳамиятга эга? 5. Яқин ўтмишда каштачилик Фарғона водийси вилоятларининг қайси шаҳар ва қишлоқларида ривожланган? 6.

Каштачилик билан шуғулланиш учун одамлар маблағни қаердан олишган?

**III босқич.** Собиқ иттифоқ даври каштачилик фаолиятини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар орқали ижтимоий сўровнома ўтказилди:

1. Собиқ иттифоқ даврида каштачилик артелларида тикилган кашталар қўлда тикилган кашталардан афзал бўлганми? 2. Собиқ иттифоқ даври каштачилиги қадимги каштачиликдан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? 3. Собиқ иттифоқ даври каштачилиги кашта тикадиган матоларга ўз таъсирини ўтказадими?

**IV босқич.** Каштачилик – мустақиллик даврида.

Мустақиллик даврида каштачиликка бўлган талаб ва эҳтиёжни аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлардан фойдаланилди:

1. Ҳозирги кунда каштачилик буюмларида қандай тасвирлар бўлишини хоҳлар эдингиз? 2. Каштачиликни амалга ошириш учун кредит олган бўлардингизми? 3. Ҳозирги кунда каштани қўлда тиккан яхшими ёки кашта тикадиган машинада тикканми? 4. Каштачилик буюминини тикиш қўлда бажарилса, аёлларни иш билан таъминлашга қандай ёрдам беради?

Тадқиқ этилаётган даврдан бошлаб каштачиликдаги инновацион жараёнларни ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Халқимиз эҳтиёжи учун каштачилик буюмлари, албатта, керак. 2. Бозор иқтисодиёти шароитида оила бюджетини янада бойитиш учун кам чикимли каштадўзлик ҳунари билан шуғулланиш мақсадга мувофиқ. Иш ўринларини яратиш катта маблағ талаб этмайди. 3. Каштадўзлик миллий маданиятимизнинг узвий қисми ва бу анъанамизнинг авлоддан-авлодга ўтиш давомийлигини сақлаб қолиш лозим. 4. Каштадўзликни давом эттириш мақсадида каштадўзлик техникаси ва технологияси бўйича ўқув қўлланма яратиб, миллий ҳунармандчилик коллежларида каштадўзликка ихтисослашган гуруҳлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. 5. Халқимизнинг моддий бойликларидан ҳисобланган каштадўзлик буюмларининг қадимий нусхаларини қидириб топиб, замонавий кашта нақшлари билан уйғунлаштириб, аҳоли талабига мос кашта буюмлари яратиш зарур.

Диссертациянинг **“Мақтаб технология таълимида миллий ҳунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштиришда кластер методи”** деб номланган учинчи бобда мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари миллий ҳунармандчиликка бўлган қизиқишни кучайтирди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 31 мартда қабул қилган “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлан-тириш давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан, Фарғона вилоятларининг марказий шаҳарлари – Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқонда бу борада ибратли ишлар қилинди. Марғилонда ҳунармандлар уюшмаси ташкил қилиниб, уюшма Марғилон, Фарғона, Қувасой, Қува, Тошлоқ, Ёзёвон, Охунбобоев, Қўқон шаҳарларидаги ҳунармандлар фаолиятини ривожлантириш, мувофиқлаштириш, ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириш билан шуғулланмоқда. Мазкур

уюшмага Р.Мирзаахмедов раҳбарлик қилмоқда. У қадимий мато тўқиш усулларида фойдаланиб, XIX асрда тўқилган матоларни қайта тиклаш баробарида моҳир каштачилар билан қадимги кашталардаги анъаналарни замонавий кашталарда уйғунлаштириб, янги замонавий кашта турларини яратишмоқда. Шунингдек, қадимги йўрма, босма, қандахаёл – ироқи кашталарни тикламоқда. Бу каштачилик буюмлари чорси, дўппи, тагчойшаб, деворчойшаб, ёстикжилд каби буюмлар бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий анъанани сақлаб қолиш учун хизмат қилмоқда.

